

10-10-2019

## THE PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF READING AND READING ENGAGEMENT IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Manzura Avazbekovna Askarova  
НамДУ

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Askarova, Manzura Avazbekovna (2019) "THE PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF READING AND READING ENGAGEMENT IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 58.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/58>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

# THE PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF READING AND READING ENGAGEMENT IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК ВА МУТОЛААГА ИШТИЁҚИНИ ХОСИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.

Асқарова Манзура Авазбековна  
НамДУ, Педагогика ва психология  
кафедраси катта ўқитувчиси.

*Аннотация.* Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик ва мутолаага иштиёқини ҳосил қилишнинг педагогик ва психологик омиллари ҳақида фикр юритилган.

*Калит сўзлар:* китобхонлик, мутолаа, маънавият, миллий педагогика, психологик омиллар.

## ПЕДАГОГИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНТЕРЕСА К КНИГАМ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Асқарова Манзура Авазбековна

*Аннотация.* В статье раскрываются педагогико-психологические факторы формирования интереса к книгам у учащихся начальных классов.

*Ключевые слова:* книголюбие, чтение, духовность, национальная педагогика, психологические факторы.

## THE PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF READING AND READING ENGAGEMENT IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Askarova Manzura Avazbekovna

*Abstract.* This article discusses the pedagogical and psychological factors of reading and reading engagement in primary school students.

*Key words:* reading, spirituality, national pedagogy, psychological factors.

Ўқувчиларни китобхонликка ўргатиш, ўқишга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар онгида китоб мутолааси ўз мақсадига эришиш ҳамда жамиятга ижтимоий мослашишда зарур восита эканлигини сингдириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади. Ўқувчиларда китобхонлик мутолааси ўз-ўзидан пайдо бўладиган жараён эмас. Мактабда ўқитувчи, уйда эса ота-оналар ҳамкорлиги йўлга қўйилиши зарур. Чунки, ўқувчи шахсида китобхонлик мутолааси педагог ёрдамида шакллантирилса, уйда ота-оналар ўқувчида китоб ўқиш маданиятини хосил қилиши керак. Шу жиҳатдан ота-оналар ўқувчининг ёшига ва ақлий даражасига мос китобларни танлаши ва китоб билан таъминлаши мақсадга мувофиқдир. Тажрибаларга кўра, бошланғич синф ўқувчиси қайси мавзудаги китобларга қизиқса, ана шу мавзудаги китобларни тақдим қилиш зарур. Қизиқарли китобларни мутолаа қилгач, ўқувчида китоб ўқиш маданияти янада ошади. Китоб танлашга ихтисослаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонликни шакллантириш орқали унинг маънавий дунёси, тарбия муҳити, қизиқиши, дунёқараши кенгаяди. Бунда ўқувчининг педагогик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиб ихтисослаштириб бориш зарур. Бу тажриба Америка таълим тизимида ўзини оқлаган. Уларда ўқувчини 12 ёшга қадар ихтисослаштиришга ҳаракат қилинади ва шунга мувофиқ китоб танлаб берилади. Америка таълим тизимининг 30 йиллик тажрибаси ўқувчиларни бошланғич синфлардаёқ ихтисослаштириш самарали эканини исботлади. Бундан асосий мақсад ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишнинг пайдо бўлишига эришилди.

Ҳозирги пайтда турли жанрларда китоблар нашр этилмоқда. Ота-оналар ўқувчи учун китоб танлаётганда китобнинг мазмун-моҳияти жиҳатидан мутахассисга мурожаат этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу эса тарбиянинг асосий йўналишларидан чалғимасликка, ўқувчининг маънавий дунёси тўғри шаклланишига ва қўйилган мақсадга эришишга олиб келади. Бундай тажриба ўзбек миллий педагогикаси тарихидан ҳам маълум. Шу ўринда Фаранг олими Эдуард Лабуре "Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир миллатнинг ўрни ўша миллат ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади", деса,[1] Дени Дидро "Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", дея қайд этган.[2] Бунга бир қатор сабаблар, шу жумладан ижтимоий сабаблар бор: ўқишга бўлган қизиқишнинг умумий пасайиши, китоблардан ташқари кўплаб маълумот манбаларининг мавжудлиги. Бироқ, ушбу ҳодисанинг асосий сабаби ҳали ҳам ўқишни ўқитишнинг номукамаллиги, ўқувчиларнинг ўқиш фаоллигини мақсадли шакллантириш тизимининг йўқлиги деб тан олинishi керак.

Оилада ота-оналар, мактабда эса ўқитувчилар асарнинг мазмуни жиҳатидан муайян талабларга тўғри келмайдиган китобларни ўқишни қатъий ман этишлари лозим. Педагогик жиҳатдан бу тарбиянинг муҳим жиҳати саналади. Бугунги кунда педагоглар ва ота-оналар, тегишли мутахассислар тарбия жараёнининг самараси бўлган китобхонлик билан кўпроқ қизиқишлари керак ва мониторинг қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Мониторинг юзасидан китобхонлик кечалари, тест синовлари, суҳбатлар, турли мавзуларда мунозаралар илмий анжуманлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Китобхонлик қобилияти туғма эмас, у инсоннинг ўз устида ишлаши орқали, тарбия воситасида амалга ошади.

Китобхонлик бу ижодий меҳнат. Бошланғич синф ўқувчиларини китобхонлик ва мутолаа кўникмаларини шакллантиришда китоб кучли восита бўла олади. Кўп китоб мутолаа қилган ўқувчи ундан ўзига керакли хулоса чиқара олади. Натижада эса, ўз билимини, дунёқарашини кенгайтиради ва билимли, саводли, маданиятли, маънавий етук, руҳан тетик ва эътиқоди мустаҳкам ўқувчи бўлиб етишади. Маълумки, бошланғич синф ўқувчисини аввало, китобда тасвирланган воқелик қизиқтиради. Аста-секин бу қизиқиш унинг ҳиссиётига таъсир қилиб, тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини таққослай бошлайди, қаҳрамонлар ҳақида ўйлай бошлайди.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик ва мутолаа кўникмаларини ҳосил қилишдан асосий мақсад–тарғиботнинг янгича турли

усуллари асосида маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодини кенг ёйиш, буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлашдек туйғуларни уйғотиш каби тарғиботни кенг йўлга қўйиш, бу борада биз китоб воситасида тарбиялашнинг янги усул ва механизмларини яратишимиз лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг китобхонлик ва мутолаа кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик омили китоб танлаш ва ўқувчининг савиясига мос бўлган адабиётларни тарғиб қилишдир. Ўқувларда китобхонлик ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш мақсадида педагоглар томонидан китобларни ифодали ўқиш, ўқилган китоблар ҳақида суҳбат, расмларни томоша қилиш, нотаниш сўзларни тушунтириш, адабиёт кечалари ва бирор мавзуга бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этиш каби турли усуллар қўлланилади. Бу каби усуллар ўқувчи шахси, унинг ижодий қобилиятларини ривожланиши, билиш фаоллигининг асоси сифатида умуминсоний қадриятлари билан танишиши, ижодий тасаввурини шаклланиши, қизиқувчанлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, ўқилган асарлардаги тарбиявий аҳамиятни ҳам изоҳлаб бериш катта аҳамиятга эга. Бу китобхонликка бўлган иштиёқни дастлабки ривожлантириш босқичидир.

Ўқиш кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик омили боланинг китоблар дунёсини очишда мотивация ҳосил қилиш. Мотивация болани ўқишга ундайди. Катталар болага китобнинг бу ажойиб дунёсини очиши, уни бу йўлда қўллаб-қувватлаши зарур. Китоб билан ишлашни ўрганиш, ўқишни ўрганишнинг умумий жараёнини бир қисмидир. Биринчи босқичда болаларнинг эътиборини китобга жалб қилиш жуда муҳимдир. Ҳали ўқиш қобилияти етарли даражада шаклланмаганлиги учун болаларни уларга қизиқ бўлган китобларни тинглашга жалб қилиш муҳимдир.

1-синфда китоб билан ишлашнинг асосий мақсади болаларда китоб тинглашга ва ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришдир. Шунинг учун ўқитувчи томонидан қизиқарли китобни овоз чиқариб ўқиши зарур.

2- синфда болаларни мустақил равишда ўқишга, ўқилган ҳикояни тушунишга ўргатилади.

3-синфда бир ҳафта ичида ўқитувчи илгари таклиф қилган мавзу бўйича ўқилган китоблар кўргазмасини ташкил қилинади. Бошланғич синфда ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчи мустақиллигини шакллантиришдир.

4-синфда ўқилган асарларни таҳлил қила олиши керак. Асар қаҳрамонларининг ижобий ва салбий жиҳатларини кўра олиши ва таҳлил қила олиши назарда тутилади. Бу эса ўқувчи шахсининг ривожланишида педагогик ва психологик омил бўла олади. Ўқувчилар қалбида китобга меҳр уйғотиш учун педагогнинг ўзи юқори касбий маҳоратли, нутқи раво, мавзуларни оптимал йўллар билан тушунтира олувчи, ижодкор ва ташаббускор, ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликда ишлай оладиган, уларни мустақил ва мантиқий фикрлашга йўналтирувчи бўлиши керак.

Дарсларда, тўғарак машғулотларида ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишига мос китобларни мутолаа қилиш, бадиий асарлардан сўзлаб бериш, воқеаларни ҳис эттира олиш, Ватанни тараннум этувчи шеърлар, яхшилик, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, камтарлик, меҳнасеварлик сингари инсоний фазилатларни тарбияловчи мақол ва ҳикматларни ифодали ёддан айтиб бериш ўқувчини мазкур адибларнинг ижодига назар солишга чорлайди.

Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида “Китобхонлик кечалари”, давра суҳбатларини ўтказиш ҳам ижобий натижа беради. Масалан, тадбирларда “Менда таассурот қолдирган асар”, “Менинг сеvimли адибим”, “Сўнги ўқиган китобим” каби мавзуларда ўқилган асарларни ўзбек тилида сўзлаб беришга одатлантириш ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариб, нотиклик ва саводхонлигини оширади, энг муҳими, адабиётга қизиқтиради. Иккинчи тилни ўрганишда таржима самара беради. Машғулотларда таржимонлик маҳоратини синашга доир топшириқлардан фойдаланиш фаолликни оширади. Матнларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқитиш ва “Энг мохир таржимон”, “Энг билимдон ўқувчи”, “Икки тил билимдони”, “Уч тил билимдони” каби номинациялар бўйича танловлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Дарс мавзуга оид қўшимча манбалар, ахборот, кўргазмалар билан бойитилса, самарадорлик янада ортади. Мисол учун, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асарини ёритишда дастлаб дарслик материаллари устида ишланса, сўнг адибнинг ижодий қирраларини очувчи янги маълумотлар берилади. Худойберди Тўхтабоев йирик болалар адиби эканлиги айтилади. “Машғулот кутубхонаси”да китобларнинг босма ёки электрон вариантларини намойиш этиш (слайдлар ёрдамида), мультимедиялардан фойдаланиш ўқувчини беихтиёр мутолаага ундайди. Таълимдаги бу каби ёндашув ўқувчиларда адабиётга ҳавас уйғотади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дарсдан ташқари ўқиш машғулотларида ҳам адабиётимиз гўзал намуналари орқали ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, жозибаси ва мукамаллигини очиб бериш мумкин. Ўқувчиларга муайян мавзу бўйича мустақил равишда ахборот тўплаш топшириғининг юклатилиши, табиийки, уларни босма ва электрон китобларга мурожаат қилишга ундайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бошланғич синф ўқувчиларига синфдан ташқари ўқиш учун китоб нашр қилиниши, шу жумладан, махсус электрон китоблар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ҳамда ўқувчиларнинг кутубхоналар, мактабдан ташқари ҳамда ёзги мутолааларини ташкил қилиш, ўқувчиларни рағбатлантириш, оилавий китобхонлик анъаналарини тиклаш ва оммалаштириш, ўқувчилар адабиётининг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

#### **References:**

1. Mashriqzamin. Hikmat bo‘stoni. T.: “SHarq”, 2008–17 bet.
2. M. Jumaboev. Bolalar adabiyoti va folklor. T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi, 2006 – 31bet.
3. V.G. Goretzkiy, L.I. Tixunova “Bolalarni boshlang‘ich sinfda o‘qishga o‘rgatish jarayonida nazoratni tashkil etish”. Moskva “YAngi maktab”, 1994 y.